Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 11 Июнь Чоршанба.
№ 45 (14437)

## ХХI АСРГА ҚАТЪИЙ НИГОҲ

6 июнь куни Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида хорижий давлатлар дипломатик корпуси вакиллари ва чет эллик журналистлар учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Президент Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст, Олий Мажлиснинг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг директори Миракбар Рахмонқуловлар ушбу мавзу ва китобнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамияти, китоб муаллифи таҳлил қилаётган долзарб муаммолар ҳақида сўз юритдилар.

Жаҳон ахборот агентлиги мухбирлари Тошкентда аккредитациядан ўтган қатор хорижий дипломатлар билан суҳбат уюштирдилар.

**Доктор Йозеф МАЧИШЕК, Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат элчиси:**

-- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли навбатдаги илмий асарини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Китоб кенг ўқувчилар оммасига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, халқаро ҳуқуқ ва ҳарбий сиёсат, мустақил Ўзбекистоннинг кейинги 2000-йилда барқарор ва қатъий ривожланишига доир саволларга содда ва лўнда жавоблар беради.

Менда Марказий Осиёда асосий хавфсизлик таҳдидлари кўрсатиб берилган биринчи боб алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу муаммолар чуқур тахлил қилинган бўлиб, минтақада геополитик мувозанатни сақлашда, тинчликни мустаҳкам пойдеворини яратишда, ҳар бир давлатнинг ва халқнинг фаровонлиги ва гуллаб -- яшнаши билан боғлиқ бўлган ички ва ташқи омилларни тушуниб етишда катта аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз асарида муаммоларни ўртага ташлаш билан чегараланибгина қолмай, иккинчи бобда уларни ҳал қилишнинг аниқ йўлларини ҳам белгилаб берган.

Китобни ўқигач, Ўзбекистоннинг буюклигини яна бир бор англаб етдим. Ҳар бир фуқаро шаксиз ўз мамлакатининг кўҳна тарихи билан фахрланиш ҳиссини, давлатнинг мустақилликка эришиши натижасида бутун дунё олдида улкан қудрат ва имкониятлар очилишини ҳис қилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бу янги асари яқин кунларда бошқа хорижий тилларга таржима қилинишига ва у фақат Ўзбекистондагина эмас, чет элларда ҳам ўқувчилар орасида катта қизиқиш уйғотишига сидқидилдан ишонаман.

**Владимир СМЕТАНИН, Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

-- Матбуотда Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг янги китоби босмадан чиққанлигини ўқибоқ дипломатларга бу китобни зудлик билан топиб келишни буюрдим. Жудаям бандлигимга қарамай, ўқиб тугатдим.

Бу авторнинг қаламига мансуб барча ижодий нарсалар менда катта қизиқиш уйғотади. Бироқ, бу сафар тахлилнинг чуқурлиги, муаммо қўйилишининг янгича усули мен кутгандан ортиқ бўлиб чиқди. Асарни шунчаки ўқиш мумкин эмас, унинг ҳар бетини алоҳида мулоҳаза этиб ўқиш лозим. Бу эса ўйлашга мажбур этади, китобнинг аҳамияти ҳам шунда. Бу ҳақиқий ва катта олимнинг, донишманд давлат раҳбари ҳамда ўз халқи ва жаҳоннинг тақдири билан куйиб-пишган оддий одамнинг меҳнатидир.

Муаллиф биринчи навбатда миллий давлатчиликни тиклашдаги енгил бўлмаган даврда дуч келаётган муаммолар, минтақа барқарорлигига жиддий хавф солиб турган давр юзасидан мулоҳаза юритади.

Бироқ замонавий муҳитнинг аҳамияти шундаки, шунга ўхшаш жараёнлар жаҳоннинг барча нуқталаридаги бошқа давлатларда ва минтақаларда содир бўлиш билан бир қаторда кенг миқёсни қамраб олмоқда. Шу сабабли китоб кўплаб мамлакатларда ўз ўқувчисини топади.

Китобда кўтарилган масалалар, айниқса МДҲ ҳудудидаги янги мустақил давлатлар учун муҳимдир. Ишончим комилки, китоб Украина китобхонлари орасида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Ўзбекистон Президентининг асаридан бизнинг сиёсатчилар ва олимлар ўзларини қизиқтирган, қолаверса уларни қийнаётган кўплаб саволларга жавоб топадилар. Шунинг учун мамлакатим хукуматига китобни сотиб олиш ва уни украин тилига таржима қилиш юзасидан тавсиялар тайёрламоқдаман.

**Умур АПАЙДИН, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

-- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бу китобининг тақдимоти республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, деган фикримга Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган кўпгина дипломатик корпус раҳбарлари қўшилади, деб ўйлайман.

Китоб ҳозирги замоннинг муҳим масалаларига давлатингизнинг муносабатини ва мавқеини чуқур идрок этишда ва ўрганишда муҳим имкониятлар беради. У бизга Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати масалаларини ўрганишда йўлчи бўлиб хизмат қилади.

Мен айни вақтда бу асарни чуқур ва мазмунли таҳлил қила олмаётганимдан афсусдаман, чунки у катта диққат ва эътибор билан ўқишни талаб этади. Бу китобни қисқа муддатда элчихонамизнинг барча ходимлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилиши, уларнинг ҳар бири учун фойдали бўлишига аминман.

Мен Тошкентда аккредитациядан ўтган кўплаб элчилар билан фикр алмашиш имкониятига эга бўлдим. Уларнинг ҳаммаси ушбу китоб ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг аввалги илмий асарлари каби ҳар бир дипломатнинг ишида ўта фойдали бўлади, деб бир овоздан таъкидладилар.

Китобнинг кўп тилларда нашр қилинишига ва хорижлик кенг ўқувчилар оммасини у билан яқиндан танишувига умид қиламан.

**Набиль АЛ-ЛАҲАМ, Фаластиннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

-- Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган сиёсатни тўлалигича қўллаб-қувватлайман. У тинчлик ва барқарорликни фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бутун минтақада сақлашга қаратилган. Президент И. Каримовнинг янги китоби барча Марказий Осиё давлатлари учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кенг масалаларни қамраб олган.

Деярли олти ой давомида Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораман. Ижобий ўзгаришларнинг натижалари сиёсатда, иқтисодда ва миллионлаб Сизнинг фуқароларингизнинг ҳаётида сезилиб турибди. Бунинг натижасида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда катта нуфузга эгадир. Бу нуфуз минтақадаги тинчликни ва барқарорликни мустаҳкамлашда мамлакат раҳбариятининг улкан саъй-ҳаракатлари орқали кучаймоқда.

Ислом Каримовнинг хавфсизлик муаммоларига бағишланган янги асари жаҳон ҳамжамияти фаолиятининг жўшиб турган юз йиллигида асосий мазмун бўлиб қолади.

Китоб ўқувчини асосий фикрга йўналтирувчи жуда тўлиқ ва чуқур таҳлилга эга: бу муаммолар мамлакатлар ва минтақаларга бўлинмайди, улар глобал характерга эга бўлиб бутун дунё ҳамжамиятларининг умумий харакатлари билангина ҳал этилади.

Бу китобнинг илмий ва сиёсий қимматини баҳолаш қийин. Турли мамлакатларнинг сиёсатшунослари, дипломатлари ва олимларининг бу китоб билан танишишлари учун уни тез орада хорижий тилларда нашр қилиш зарур деб ҳисоблайман.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги**



## ОЛИЙЖАНОБ ОРЗУ ЙЎЛИДА

Ҳаёт оқими кўз илғамас шитоб билан илгарилаб бормоқда. Олам ҳам, одамлар ҳам ўзгараяпти. Маънавий юксалиш борасида жиддий ишлар қилинмоқда...

Бозор муносабатлари ҳаётимизга дадил кириб бормоқда. Эркин, демократик жамият, ҳуқуқий давлат барпо этиш асосий мақсадимизга айланмоқда. Бу йўлда қилинадиган ишларнинг салмоқли қисмини ёшлар, тўғрироғи, замон талабларига жавоб берадиган кадрлар ўз зиммаларига олиши шубҳасиз.

Тошкентда ўтказилган ''Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш'' комиссиясининг йиғилишида ҳам шу хусусда фикрлашиб олинди. Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олийжаноб орзуимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади, деди мажлисни бошқарган Республика Президенти Ислом Каримов.

Хўш, юртбошимиз таъкидлаб айтаётган кадрларни ким тайёрлайди? Ҳозирги таълим тизими жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашга қодирми?

Аввало шуни таъкидлаш керакки, таълим тизимида жиддий ислоҳотлар ўтказиш лозим. ''Мактаб-оила-маҳалла'' дастурини ҳаётга кенг тадбиқ этган ҳолда мактабнинг бошқа ташкилотлар билан узвий алоқасини йўлга қўйиш керак. Айниқса, мактаб билан олийгоҳлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш лозим.

Бизнинг 300-лицейимизда бу борада баъзи бир ишлар амалга оширилди. Мавжуд 260 ўқитувчининг 86 таси олийгоҳлардан таклиф этилган. Улар ёшларга малакали дарс бериш билан бирга келажакда ўз ҳаёт йўлларини топиб олишга кўмаклашмоқдалар. Тошкент Давлат дорилфунуни, Автомобиль йўллари, Тўқимачилик ва енгил саноати ва бошқа олийгоҳларнинг малакали ўқитувчилари ўқувчиларнинг турли касбларга кўникмалар ҳосил қилишида жонбозлик қилаётир. Масалан, лицейимизни бу йил тамомлайдиган 79 нафар ўқувчи етуклик гувоҳномаси билан бирга ЭҲМ лаборанти гувоҳномасини ҳам олишади. Уларнинг ҳар бири ўрта мактабларда шу мутахассислик бўйича бемалол ишлаши мумкин.

Биз мураббийлар ўқувчиларга фақат билим бериш билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Токи, ҳар бир битирувчи билим олиш билан бирга маълум касб кўникмасига ҳам эга бўла олсин. Шундагина биз камолотга эришган етук авлодни тарбиялаган бўламиз.

**Дилшода АБДУНАЗАРОВА,**
**Тошкент шаҳридаги 300-лицей директори.**

## Келажакка қаратилган дастур

Тошкентда Ўзбекистон олий мактаб ходимларининг кенгаши бўлди. Унда республиканинг бир қанча вазирлик ва идораларининг раҳбарлари, олий ўқув юртларининг ректорлари, проректорлари ва деканлари иштирок этди.

Кенгашда 5 июнь куни «Кадрларни тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш» давлат комиссиясининг республика Президенти Ислом Каримов раислигида ўтган мажлисида муҳокама қилинган масалалар кўриб чиқилди. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар турмушнинг барча соҳаларига чуқур кириб боргани таъкидланди. Бироқ бу ислоҳотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш даражасига боғлиқ. Афсуски, ҳозир таълим тизимини ислоҳ қилиш етарли даражада тез амалга ошмаяпти ва давр талабларига жавоб бермаяпти, деб қайд этилди кенгашда.

Кадрларни тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш чоғида иқтисодиётнинг турли тармоқлари эҳтиёжларигина эмас, миллий анъаналарни, аждодларимизнинг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги тажрибасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Мамлакатимизга профессионал билимларни чуқур эгаллаган, мустақиллик ғояларига содиқ бўлган, юксак маънавий фазилатли, ички маънавий маданиятли мутахассислар ниҳоятда зарур.

Кенгаш иштирокчилари республикада таълим тизимини ислоҳ қилишнинг Президентимиз Ислом Каримов давлат комиссияси мажлисидаги нутқида белгилаб берган асосий йўналишларини батафсил муҳокама қилдилар. Кадрларни тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Жаҳон андозаларига мос келадиган янги дарсликлар, методик қўлланмаларни тезроқ яратиш зарурлиги айтилди. Ўқув жараёнининг ўзи жаҳон андозаларига мос бўлиши лозим. Шу муносабат билан, ўқитувчилар малакасини оширишга, талабаларимизга таълим бериш учун мамлакатимиз ва хориждаги етук олим ва мутахассисларни кенг жалб этишга, республика олий ўқув юртларининг бошқа мамлакатлардаги таниқли ўқув юртлари билан бевосита ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эътибор берадиган пайт келди.

Кенгашда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Орипов,Республика Бош Вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев сўзга чиқди.




Тошкентдаги «Динамо» кортларида теннис бўйича «Челленжер» халқаро хотин-қизлар мусобақаси ниҳоясига етди. Унда иштирок этган 26 мамлакат теннисчиси мусобақанинг бош совринн учун курашди. Икки кучли теннисчи - исроиллик Анна Смашнова билан мексикалик Анжелика Гавалдон финалга чиқди. Улар якунловчи учрашувда ғалабага эришиш учун бутун иродаларини ишга солдилар. Бош соврин учрашувни 6:3, 6:2 ҳисоби билан якунлаган Анжелика Гавалдонга насиб этди.

Анжелика Гавалдонга мусобақа бош совринини Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов топширди. Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси раиси Ҳотам Абдураимов мусобақа ғолибини табриклаб, унга эсдалик совғаси топширди.

Ўзбекистонлик теннисчи қизлар Наташа Никитина, Ирина Ярикова ва Ирода Тўлаганова рағбатлантирувчи совринлар билан тақдирландилар.

Қашқадарё вилояти ''Камолот'' жамғармаси бўлими бир пиёла чой устида суҳбат баҳонасида вилоятдаги 100 га яқин иқтидорли ёшлар учун қабул маросими уюштирди. Унда республика ва вилоят олимпиадалари, турли кўрик-танловлар ғолиблари, адабиёт, санъат, тадбиркорлик, спорт ва бошқа турли йўналишларда фаолият юритаётган истеъдодли ёшлар иштирок этдилар.

Мақсад иқтидорли ёшлар билан дилдан суҳбатлашиш ҳамда моддий- маънавий рағбатлантиришни ташкил этишга қаратилган эди.

Жамғарма вилоят бўлими раиси Боймурод Юсупов иқтидорли ёшларни ўқиш ва изланишларидаги ютуқлари билан табриклаб, бугунги кунда ёшларнинг камолотга эришиши, илм олиши учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади.

Иқтидорли ўқувчилардан Американинг ''Акселс'' ташкилоти орқали АҚШга ўқишга таклифнома олган Акбар Аҳмедов, ёш шоира Гўзал Норчаева, шахмат бўйича 10 ёшгача қиз болалар ўртасида Республика ғолиби, Францияда ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланма олган Чироқчи туманилик 3-синф ўқувчиси Сарвиноз Эргашевалар ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида гапиришди.

Шу куни жамғарма вилоят бўлими қошида ''Иқтидорли ёшлар'' клуби тузилди.

Қабул маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Раҳмонов иштирок этди.



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 10 июнидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 61 сўм 42 тийин миқдорида белгилади**

"Туркистон"ва ЎзА мухбирлари хабарларидан.

"ТУРКИСТОН"- SOS"

## МУОВИН МАКТАБГА НЕГА КЕЛМАДИ ?

Тумандаги 5-мактабда ''Ким бўлсам экан?'' мавзуида давра суҳбати ўтказмоқчи бўлганимизни, унда ''Найман'' жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг муовини Тўқсулув Бултурова ҳам қатнашишларини илтимос қилдик.

Найман қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарларини ҳам бу ҳақда огоҳ этиб, орадан бир соатлар ўтгач, яна раис муовини билан учрашдик. У қаергадир отланиб турарди.

— Мактаб директори йўқ экан, мен чорвага кетаяпман, — деди Тўқсулув.

Ҳозиргина мактаб директори Абдумалик Тўйчиевични кўрганимизни айтиб, раис муовинини мактабда кутадиган бўлдик.

Мактабга борганимизда битирувчилар адабиётдан иншо ёзишаётган экан. Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтди. Бу орада ўқувчилар имтиҳонни топшириб ҳам чиқишди. Раис муовинидан эса дарак бўлмади.

Бу йил мактабнинг ўн биринчи синфини 9 нафар йигит - қизлар битиришаяпти. Нега озчилик, қизиқамиз? Мактаб раҳбарлари изоҳ беришади. Асли, улар 28 нафар эдилар. 9-синфни битиргандан кейин ўқишни давом эттиришга баъзиларида имкон, баъзиларида хоҳиш бўлмаяпти. Улар ҳозир қаерда? Ўқишдами, ишдами ё бекорчи? Худо билади.

Мана ҳозиргина иншо ёзиб чиққан йигит-қизлар: тўрт қиз, беш йигит. Хўш, улар мустақил ҳаёт остонасида туриб нималарни ўйлашяпти, диллари қатида қандай орзу-истаклари бор?

Битирувчилар, устозлар билан гурунгимиз ана шу саволлар атрофида айланади. Олдинига ётсираб, тортиниб турган ёшларнинг қулфи-диллари аста-секин очилиб боради. Анваржон Тўраев — Қўқон педагогика олийгоҳига бормоқчи. Тарих ўқитувчиси бўлиш орзусида. Маҳфуза Дўстматова билан Одинахон Қодирова бўлса шифокорликни танлашган. Зулфияхон Қовунбоева эса адабиётга жон-дилидан қизиқар, ўзи шеърлар ҳам машқ қилар экан. У Қўқон педагогика олийгоҳи, ўзбек тили ва адабиёти факультетига имтиҳон топшириб, ўз толеини синаб кўрмоқчи. Зафаржон Ҳожибоев ҳайдовчи бўлиб, одамлар узоғини яқин қилиш ниятида. Майли-да. Жамиятга ўқитувчи ҳам, шифокор ҳам, ҳайдовчи ҳам, ишчи ҳам баб-баравар зарур. Муҳими, ҳаёт йўлларида адашмаслик, мўлжални аниқ олиш, интилиш ва қатъият зарур. Ана шу фазилатлар мужассам бўлса, одам албатта орзу-мақсадига эришади. Ҳаётда ўз ўрнини топиб олади.

— Биз-ку, битириб кетяпмиз, лекин биздан кейин қолаётган укаларимга ачинаман, - дейди Зулфияхон.

— Нега?

— Мактабимизда шароит яхши эмас, - дейди у , — тўрт томчи ёмғир ёғса синфхоналаридан чакка ўтади. Деворлар белигача зах босган. Шундоқ ёнгинамизда газ қувури ўтган-у, мактабимиз газлаштирилмаган. Қишда, совуқда дилдираб ўтирамиз. Дарсликлар етишмайди.

— Оталиқ ташкилоти борми, ўзи?

— ''Найман'' жамоа хўжалиги оталиқ ташкилотимиз. Улар бу камчиликлардан хабардор. Айтганмиз. Бу йил томни қайтадан ёптириб беришмоқчи, - дейди илмий бўлим мудири Отақўзи ака Матмуродов.

— Э, уларнинг эсига буғдой, пахта мавсумида тушамиз, - дейди Зафаржон, - яганага, чопиққа, теримга қистаб келишади. Лекин, иш ҳақимизни беришга, мактабга ёрдамга келганда кўзларини чирт юмиб олишади!

— Аммо сизга жамоа хўжалиги керакли шароитни яратиб берган экан-ку. Мана ёнгиналарингда клуб...

гапимни тугатмасимдан битирувчилар чувиллашиб кетишади.

— Клуб ишламайди, - дейди Элёржон Пияев, - ўтиргичларни йиртиб қўясизлар, деб бизни у ерга киритишмайди.

— Ақалли кино ҳам қўйилмайди, - дейди Зафаржон, - ёзги клубга бир кино келганди. Шунга ҳам бир йил бўлдиёв...

— Битирувчиларимизнинг куюниб гапирганларича бор, - дейди синф раҳбари Маҳфуза опа Раймова, - мактабимизда болаларни давр талаблари даражасида ўқитиш учун ҳеч қандай имконият йўқ. Қишда эллик фоиз бола совуқ хоналарда шамоллаб дарсларга келмай қолади, тўгараклар ишини юритолмаймиз. Совуқ хонада, устингиздан чакка ўтиб турса... Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Баҳорда дала ишлари бошланиб яна мактаб билан хайрлашишга тўғри келади. Замонавий ўқув ашёлари, компьютерлар бўлса бизнинг ўқувчиларга орзу. Дарсликлар етишмайди. Менимча, ўқувчиларнинг етарли билим олишлари учун зарур шароитларни яратиб бериш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш, мактабни битириб ўқишга киролмай қолган ёшлар учун иш ўринлари яратиш қишлоқ раҳбарларининг асосий бурчларидан бири бўлмоғи керак...

Қишлоқ меҳнаткашларининг 400дан зиёд дилбанд лари ўқийдиган мактаб эса тулаб, тўкилиб боради.

**О. НОМОЗОВ,**
**Поп тумани**

Бугун юртимиз жаҳонга юз очмоқда. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган шундай кезларда, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида ижобий ўзгаришлар юз беряпти. Ўз ўрнида таълим- тарбия, кадрлар тайёрлаш соҳаси ҳам жиддий ислоҳотларни талаб этмоқда.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган ''Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш'' комиссиясининг йиғилишида ҳам Президентимиз мазкур масалага жиддий эътибор қаратгани бежиз эмас албатта. Сабаби Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва ўзига мос мавқега эга бўлиб боришида пухта билимли, малакали мутахассислар муҳим омил саналади.

Президентимизнинг: энг асосийси шуни анг-

## ЕТУК МУТАХАССИСЛАР — ЗАМОН ТАЛАБИ

лаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, сайъ-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор, -дея алоҳида урғу берганлиги ҳам мамлакатимизнинг жаҳон андозаларига мослаштиришдан далолат беради.

Сир эмас, таълим-тарбия тизимида -- мактабгача тарбия муассасаларида то Олий ўқув юртларигача бўлган билим даргоҳларидаги ўқув-тарбия жараёнида пала-партишликлар мавжуд. Қолаверса, эски қолипдаги дарсликлар, совет давридаги қотиб қолган саёз фикрли муаллиму тарбиячилар бор экан, жаҳон талабларига мос келувчи замонавий кадрлар тайёрлаш мумкин эмас!

Мажлисда таъкидланганидек, илм олиш борасида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Зеро, Ватан келажагини илм-маърифатсиз, ўз соҳасининг моҳир билимдонисиз тасаввур этиб бўлмайди.

**Назокат УСМОНОВА**

Босишга топшириш вақти-22-00

